

2- 11. Ва қачон: «Ер юзида бузғунчилик қилманг»

21:55 / 19.05.2017 3478

مَيِّخْرَلَا نَمُخَّرَلَا ءَلَلَا مَسَب

نَوُحٌ صُمُّ نَحْنُ اِمْنِ اُولَاقِ صُرَّالَا يَفْ اُوْدِسْفُتْ اَلْمُهَلَلِي قِ اِدَاو

Бақара 11. Ва қачон: «Ер юзида бузғунчилик қилманг», - дейилса, «Биз фақат ислоҳ қилувчилармиз», - дерлар.

Мунофиқлар ўз табиатларидан келиб чиқиб, ер юзида фасод ишлар – кофирлик, гуноҳ, бузуқлик, зулм қиладилар. Агар уларга бу номаъқул ишлари эслатилиб, «**Ер юзида бузғунчилик қилманг**», дейилса, улар мазкур номаъқул ишларидан қайтиш у ёқда турсин, балки баланддан келадилар ва:

«**Биз фақат ислоҳ қилувчилармиз**», - дейдилар. Яъни қилаётган фасодларини ислоҳ – яхшилик деб даъво қиладилар.

Аммо уларнинг гаплари пуч. Аллоҳ ҳаммасини кўриб-билиб туради. Уларнинг асл баҳосини У Зотнинг Ўзи беради.

Ибн Касийр раҳматуллоҳи алайҳи Салмони Форсий розияллоҳу анҳудан ривоят қилишларича, у киши ушбу оятни ўқиб туриб, «**Бу оятнинг аҳли ҳали-ҳануз келганлари йўқ**», - деган эканлар.